*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1988 йил 24 апрель
ЯКШАНБА
№ 94 (4.290).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

## М. С. ГОРБАЧЕВ Ж. ШУЛЬЦ БИЛАН УЧРАШДИ

22 апрель куни М. С. Горбачев Қўшма Штатларнинг давлат секретари Жорж Шульцни қабул қилди. Бўлажак олий даражадаги тўртинчи Совет—Америка учрашуви — унинг мазмуни қандай бўлиши кераклиги ва унинг муваффақияти учун қандай муҳит зарурлиги бош мавзу бўлди.

М. С. Горбачев суҳбатни бошлар экан, давлат секретарининг одамлар меҳмонга борганларида нима дейишларинигина эмас, уйларида нима дейишларини ҳам тинглаш муҳимдир, деган мулоҳазасига қўшилди. Шу нуқтаи назардан Совет Иттифоқида АҚШ президентининг кўпчилик ўртасида сўзлаган кейинги нутқларига эътибор берилмаслиги мумкин эмас эди. Кейинги вақтларда Совет—Америка муносабатларининг ривожланишига ижобий баҳо бериб, муболағага йўл қўйдик, деган хаёлга бормоқчи эмасмиз. Бу фикр, бизнинг назаримизда, иккала томон бир-бирига бирмунча реалистик ёндаша бошлаганлигига, эски қарашлардан қутула бошлаганига, фақат ўз манфаатларини ўйлаб, ўз қарашларини иккинчи томонга тиқиштириш йўлидаги уринишлардан халос бўла бошлаганига асосланади.

Бироқ, ҳали яқиндагина Вашингтонда айтилган гапларга ва қилинган ишларга қарамай, яна бизга насиҳат ўқимоқдалар, ўзимизни қандай тутишимиз ҳақида бизга йўл-йўриқ бермоқдалар. Бизнинг ташқи сиёсатимизга фақат салбий баҳо, АҚШ маъмуриятининг сиёсатига эса фақат ижобий баҳо берилмоқда, бунинг устига, Совет — Америка муносабатларида эришилган ҳамма натижалар зўравонлик сиёсатининг ва «Советларга тазйиқнинг» самараси деб талқин этилмоқда. Бинобарин «зўравонлик концепцияси» Никарагуага, Панамага нисбатан, Форс кўрфазида куч намойиш этиш билан ҳам мустаҳкамланмоқда.

Мана шу хатти-ҳаракатларда биз яна сиёсий реалликлар билан ҳисоблашишни истамасликни, бошқаларнинг манфаатларини, манфаатлар мувозанати принципини менсимасликни кўриб турибмиз.

Хўш, буни нима билан изоҳлаш мумкин, нималар содир бўлаяпти ўзи, деган савол туғилади. Сайловолди кампанияси давом этаётгани, эски мафкуравий сарқитлар борлигини тушунамиз. Аммо дунё олдидаги масъулият ҳам бор-ку, ахир.

Ҳар қандай маъмурият ўз мамлакатининг манфаатларини ҳимоя қилиши бизучун реалликдир, — деб сўзини давом эттирди М. С. Горбачев. — Аммо бу манфаатлар халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаши кераклиги равшан. Биз Америка жамоатчилигининг кайфиятини синчиклаб кузатаяпмиз. Совет кишилари каби америкаликлар ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилаш нишоналарини астойдил табриклаётганликларини мамнуният билан қайд этамиз. Америкадаги кўп кишилар келажакка назар ташлаб, муҳолифлик сақланиб қолишини хоҳлаш бир ёқда турсин, ҳатто «рақобат» сўзи ҳам уларга мақбул эмаслиги маълум бўлди. Кўпчилик— дўстона муносабат тарафдоридир.

Модомики шундай экан, СССРнинг принципиал масалаларда ён беришини кўзлайдиган ва аслида қуролланиш пойгасини оқлайдиган расмий ваъзлар кимнинг манфаатларини ифодалайди? Олиб борилаётган музокаралар чоғида, шу жумладан Р. Рейганнинг Москвага қилладиган визити билан боғлиқ музокараларда ўқтин-ўқтин нишона бериб турган тўғаноқ солиш йўлидаги уринишнинг сабаби мана шу эмасмикан?

Нақотки 15 йиллик танаффусдан кейин ва ҳозирги Совет раҳбарияти билан бўлиб ўтган учта учрашувдан кейин АҚШ президентининг СССРга қиладиган визити яна «сиёсий саводхонлик»дан — мавжуд реалликлар хусусидаги изоҳлардан иборат қилиб қўйилса, бу реалликлар билан ҳисоблашмаслик эса хатарлидир.

Ҳозир, деди сўзини давом эттириб М. С. Горбачев, тор амалиётчилик ёмон тарафга судрамоқда. У тафаккурни бўғиб қўяди, ҳозирги дунёга кенг назар ташлашга, ҳар бир халқ ўз йўлини эркин танлаб олиши ҳурмат қилинмаса, инсониятнинг келажаги йўқ эканини англаб олишга халақит беради. Бусиз эса конкрет муаммоларни ҳал этиш доимо бошқа берк кўчага кириб қолаверади. Бусиз СССР билан АҚШ каби давлатлар ўртасида мукаммал ўзаро алоқа бўлмайди. Шу сабабли биз Совет—Америка муносабатлари тубдан қайта қуришга муҳтож, деб такрорлаяпмиз. Гўё биз «заиф» бўлганимиз учун буни такрорлаяпмиз, деган янглиш фикрдан, ҳозирги Совет раҳбариятининг аҳволи барқарор эмас, у ташқи сиёсат соҳасида қандайдир муваффақиятдан манфаатдор, шунинг учун ҳам америкаликларни ҳамкорликка рози бўлинглар, деб «ялинмоқда» деган янглиш фикрдан халос бўлиш пайти келди. Реал сиёсатни бундай бемаъни гап асосига қуриб бўлмайди. Замоннинг ўзи жаҳоншумул аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этиш учун яратган имкониятни бой бериб қўйиш мумкин, холос.

Шу нуқтаи назардан инсон ҳуқуқлари мавзуида гап бўлди.

Ниҳоят бу мавзуда принципиал жиҳатдан келишиб олиш керак, деди М. С. Горбачев. Кейинги вақтларда бу мавзудаги музокаралар ва бошқа мулоқотлар амалий тус олган бўлишига қарамай, АҚШ томонининг унга ёндошуви бизнинг ички ишларимизга аралашишга қаратилган муҳолифлик руҳида қолмоқда: бизга доимо талаблар қўймоқдалар, шартлар айтмоқдалар, даъволар қилмоқдалар.

Биз шу вақтга қадар оғир-вазмин бўлиб турдик. Бироқ, башарти биз ҳам шундай йўл тутадиган бўлсак — бизда ҳам жуда кўп масалалар ҳусусида қиладиган даъволаримиз бор, у ҳолда Совет—Америка муносабатларида шундай муҳит вужудга келиши мумкинки, унда бошқа ҳеч қандай масалаларни ҳал этишнинг иложи қолмайди. Совет ва Америка жамиятларининг қадриятлари турлича эканини шу сабабли нима яхшию, нима ёмонлиги хусусидаги ўз тартиблари ва ўз тасаввурларини тиқиштиришга уринмаслик кераклигини узилкесил тушуниб олмоқ керак. Ҳар бир мамлакатнинг ўз муаммолари кўп, бас шундай экан, уларнинг ҳар бири ўз муаммолари билан ўзи билганча шуғулланаверсин. Бу гап бир-бирини ўзаро ўрганишни, жумладан, илм-фан ва шу каби соҳалардаги айирбошлашни истисно этмайди, балки тақозо қилади. Одамларнинг ўзлари аҳволни кўрсинлар ва ҳамма нарсани баҳоласинлар. Биз Қўшма Штатларга таълим бермоқчи эмасмиз ва унинг ҳам бизга таълим бериш ҳуқуқини тан олмаймиз.

Суҳбатда маҳаллий муаммолар, шу жумладан Эрон—Ироқ уруши билан боғлиқ муаммолар ҳақида гаплашиб олинди.

Афғонистон ҳусусидаги Женева битимларига юқори баҳо берилди. СССР билан АҚШ Афғонистон муаммосини бартараф этиш жараёнида қандай иш тутишларига қараб бутун дунё халқаро вазиятни соғломлаштирувчи омил бўлмиш Совет—Америка муносабатларининг қадр-қиммати ҳақида фикр юритади, деди М. С. Горбачев. Башарти у ёки бу томон — Афғонистон мустақил, бетараф, қўшилмаган давлат бўлиб қолиши керак, деган принципга зид иш тутишга берилиб қолса, жуда хатарли бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари билан АҚШ президентининг Москвада бўлажак учрашувида муҳокама қилиниши мумкин бўлган асосий масалалар кўриб чиқилди. Э. А. Шеварднадзе билан Ж. Шульцнинг учрашувлари вақтида ва делегацияларнинг Женевадаги музокаралари чоғида катта иш қилинганлиги қайд этилди. Аммо ҳал бўлмаган муаммолар бор. Аввалгидек биз эҳтимол тутилган ҳужжатларни президент Рейган Москвага келгунча узилкесил тайёрлаб қўйиш тарафдоримиз, деди М. С. Горбачев.

Суҳбатдошлар илгари Вашингтонда эришилган натижалар билан чекланиб бўлмайди, деган фикрга келдилар. Олий даражадаги тўртинчи учрашувнинг муҳим якунларига эришиш мумкин ва зарур.

АҚШ президентининг май охири — июнь бошларида СССРга визити программаси асосан қабул қилинди.

Пировардида М. С. Горбачев Москвадагилар бўлажак Совет—Америка учрашуви ўзаро ҳурмат руҳида ва реалистик асосда ўтади, олға томон қўйилган янги қадам бўлади ҳамда аниқравшан ва катта натижалар билан нишонланади, деб умид қилаётганликларини президентга етказишни сўради. Бу ерда АҚШ президенти икки буюк халқ ўртасидаги муносабатларга муносиб даражада кутиб олинади.

Учрашувда Э. А. Шеварднадзе, А. Ф. Добринин, С. Ф. Ахромеев, А. А. Бессмертних, К. Пауэлл, Р. Рижуэй, П. Нитце, элчилар Ю. В. Дубинин ва Ж. Мэтлок қатнашдилар.

(ТАСС).

## ЭРТА ЭКСАНГ, ЭРТА ЙИҒАСАН

**Сирдарё область Ворошилов районидаги «Шўрўзак» совхози пахтакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида юқори ҳосил етиштиришни кўзламоқдалар. Улар 1.878 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. «Эрта эксанг, эрта йиғасан» деган халқ нақли бор. Хўжалик деҳқонлари чигит қадашни энг мақбул агротехник муддатларда тугатиш учун астойдил интилаяптилар. 18 та сеялка ёрдамида кунига 210—220 гектар ерга барака уруғи ташланди. Совхоз заршунослари шу кунларда сўнгги гектарларга чигит экишаяпти. Барча ишларни совхоз сифат комиссияси аъзолари изчил назорат қилиб бораяптилар.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Сифат комиссияси аъзоларидан Ўрол Қувондиқов ва Абдусанд Тожибоев экилаётган чигитни кўздан кечиришмоқда. 2. Совхоз 2-бўлими далаларида барака уруғи қадалаяпти.**

П. ЭРГАШЕВ фотолари.

## АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ПИЛЛАЧИЛАР ИШ БОШЛАШДИ

**Сурхондарё область меҳ. натчилари пилла боқишга киришдилар. Жарқўрғон, Термиз, Ангор ва Гагарин районлари хўжаликларининг никубаторларидан олинган 13 минг қути қурт уруғи боқиш учун тарқатилди. Бу — областда мавжуд қурт уруғининг деярли ярмини ташкил этади. Онлавий звенолар қурт боқадиган бўлдилар. Бу йил ана шундай колдективларнинг кўпчилигига қурт боқиладиган типовой бинолар ажратилди. Уларни томорқа участкаларида осонгина қуриб олиш мумкин.**

**Бу йил Сурхондарё область пиллачиларн давлатга 1300 тоннадан ортиқ олий сифатли пилла сотиш мажбуриятини олганлар.**

### МАВСУМ БОШЛАНДИ

**Қашқадарёдаги Ғафур Ғулом номли давлат наслчилик заводида дастлабки минг бош қўй жуни қирқилди. Мамлакат чорвадорлари социалистик мусобақасида олдинда бораётган хўжаликнинг тажрибали чўпонлари ҳар бош қўйдан 1 килограммгача жун олмоқда. Илғорлар орасида Н. Чўянов бошлиқ онлавий звено аъзолари ҳам бор.**

**Бу йил хўжаликда 32 минг бош қўй жуни қирқилиши керак. 70 дан ортиқ жун қирқувчилар хўжалик маъмурияти билан меҳнат шартномаси тузиб, жун қирқиш мавсумини икки ҳафтада тугатиш мажбуриятини олдилар. Жуни қирқилган жониворлар ёзги яйловларга олиб чиқилади. У ерларда қўзичоқдан отарлар ташкил этиладн.**

## ТЕЗ ВА СОЗ БЎЛСИН

**Республика областларида чигит экишнинг бориши тўғрисида 23 апрелга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

| (Планга нисбатан процент) | |
|---|---|
| **Тошкент** | 100,7 |
| **Бухоро** | 100,6 |
| Наманган | 99,9 |
| Қашқадарё | 99,2 |
| Навоий | 98,8 |
| Сурхондарё | 98,0 |
| Андижон | 94,9 |
| Сирдарё | 88,2 |
| Самарқанд | 86,6 |
| Фарғона | 83,6 |
| Жиззах | 77,1 |
| Хоразм | 68,9 |
| ҚҚАССР | 46,0 |
| Республика бўйича | 87,8 |

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

## ЧЎЛ ЛОЧИНИ

Кимки ўз касбини севиб, ардоқласа, ҳаёт сўқмоқларидан мардонавор ўтади, эл-юртга танилади. Саидбурҳон Абдуроев ҳам ҳалол ва фидокорона меҳнати туфайли обрў топиб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлаётганлардан бири.

Жонкуяр коммунист етакчилик қилаётган Поп районидаги Жданов номли колхозининг 5-бригадасида 60 аъзо бор. Улар ўтган йили онлавий пудрат асосида ишлаб, 170 гектар ёрда пахта, 23 гектар ерда бўғдой етиштирдилар.

Бригада ёрлари асосан даштдан иборат. Шу боис маданий ерларда деҳқончилик қилаётганларга нисбатан улар икки-уч баробар кўп меҳнат сарфлашди. Ҳосил ҳам шунга яраша: пландаги 24 центнер ўрнига 27 центнердан хирмон уюлди.

Бу йил илғорлар марраси янада юксак: гектаридан 30 центнердан оқ олтин етиштириш. Шу туфайли барча майдонлар кузда сифатли шудгорланиб, қиш фаслида маҳаллий ўғитга тўйинтирилди. Экиш мавсумига техника восталари созланиб, пухта тараддуд кўрилган.

Пахтапарвар коммунист бу йил катта анжуман — колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида иштирок этиб қайтди.

— Мен Москвада иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келган миришкорлар билан учрашиб тажриба алмашдим, — дейди Саидбурҳон Абдуроев. — Съездда жуда кўп ажойиб фикрлар билдирилди. Айниқса КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқи катта таассурот қолдирди. Мен Ватанимиз пойтахтидан қайтгач, олдимизга қўйилган улкан вазифалар ҳақида колхозимиз аъзоларига сўзлаб бердим. Шубҳа йўқ: хўжалигимиз деҳқонлари зиммаларидаги план ва мажбуриятларини ортиғи билан уддалаб, ўзларига билдирилган юксак ишончни шараф билан оқлайдилар.

Делегат бошлиқ бригадада ҳозир иш қизғин. Илғорлар ғаниматкунлар қадрига етиб, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўтадиган йил мўл ҳосили учун астойдил тер тўкмоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

М. ЖЎРАЕВ чизган расм.

## УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДА

Ўзбекистон ССР уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши президиумининг кенгайтирилган мажлисида ветеран ташкилотларнинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини кучайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Республика уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Р. Ғуломов ахборот берди.

Мажлисда айтилдики, уруш ва меҳнат ветеранларининг кўпгина область, шаҳар ва район кенгашлари, шунингдек комсомол ташкилотлари ветеран активлари ёш авлодни тарбияшлашга ҳамон етарлича жалб қилмаётир. Бир қанча ҳолларда иш эскичасига, юзаки ташкил этилмоқда. Натижада бу нарса ёшларга тегишли тарбиявий таъсир кўрсатмаётир.

Мажлис қатнашчилари ёшлар ўртасида ветеранлар олиб борадиган ишларни кучайтиришга доир қўшимча тадбирларни тасдиқладилар. Мураббийлик ҳаракатини янада ривожлантириш, интернационалчи-жангчиларни тарбиявий ишга жалб этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда ветеранлар кенгашларининг жойлардаги фаолиятида ташаббусни, маса-лаларни қўйиш ва ҳал этишда қатъиятни муттасил ривожлантириб бориш, кенгашларга берилган ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланиш, ветеранлар ва пенсионерларнинг эҳтиёжларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, ветеранларга социал-маиший, медицина ва савдо хизмати кўрсатиш устидан назоратни кучайтириш тавсия қилинди.

Ўзбекистон ССР уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг уруш ва меҳнат ветеранларини халқ хўжалиги тармоқларидаги меҳнат фаолиятига, пудрат бригадалари ва звеноларига жалб этишни кўзловчи тадбирлари кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Қорақалпоғистон республика, областлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига ишлаб турган маданият саройлари, клублари, уйлари ҳамда каттакатта оммавий-кутубхоналар асосида ветеранлар клубларини тузиш, шунингдек область марказларида ва Тошкентда доимий ишлайдиган «Ветеран» клубларини ташкил этиш учун бино ажратиш борасидаги таклифларни маданият органлари билан биргаликда ишлаб чиқиб, партия ва совет ташкилотларн муҳокамасига қўйиш тавсия этилди.

Мажлисда кексалар ва инвалидларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чоралари муҳокама қилинди. Бу ишда жиддий камчиликлар ва хатоликлар борлиги таъкидланди. Интернат-уйлар қурилиши секинлик билан олиб борилмоқда. 1988 йилга мўлжалланган социал ёрдам бўлимларини очиш учун зарур миқдорда маблағ ажратилмаган. Социал таъминот органларининг муассасалари ва ташкилотлари учун автомашиналар етарлича ажратилмаяпти. Баъзи область ижроия комитетлари пенсионерларга территориал социал хизмат марказларини очиш учун бино ажратиб бермаган. Корхоналар, ташкилотларнинг кексалар ва инвалидларнинг интернат-уйлари устидан оталиқ ишлари қониқарли эмас.

Мажлис қатнашчилари мана шу камчиликларга барҳам беришни кўзловчи тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Мажлисда уруш ва меҳнат ветеранлари Самарқанд область кенгаши ҳамда область ветеранлар ташкилотларининг ҳисоботи, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

## АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

**САМАРҚАНД**, 23 апрель. (ЎзТАГ). Самарқанд область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда 2000 йилгача бўлган даврда халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг комплекс программаси қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов нутқ сўзлади.

## ХАНОЙГА БОРА ТУРИБ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Г. П. Разумовский бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети делегацияси Вьетнам Социалистик Республикасига бора туриб 23 апрель куни Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида Г. П. Разумовскийни ва КПСС Марказий Комитети делегациясининг бошқа аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари А. С. Икромов, В. Н. Лобко, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Н. И. Попов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

## МУЗОКАРАЛАР ТУГАДИ

22 апрель куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзенинг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц билан музокаралари давом эттирилди.

Дунёнинг турли районларидаги маҳаллий можароли вазиятларни одилона ҳал этиш йўлларини излаш билан боғлиқ масалалар батафсил кўриб чиқилди. Шу муносабат билан халқаро кескинликнинг хатарли манбаларини тугатиш мақсадида томонларнинг ўзаро алоқаларини давом эттириш ва чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланди.

СССР ташқи ишлар министри билан АҚШ давлат секретари Афғонистон теварагидаги вазиятни бартараф этиш тўғрисида Женевада имзоланган ва Совет Иттифоқи билан АҚШ халқаро кафилликни олган ҳужжатларнинг принципиал аҳамиятини таъкидладилар. Э. А. Шеварднадзе эришилган аҳдлашувларни муваффақиятли равишда турмушга татбиқ этиш учун, уларнинг ҳарфи ва руҳига қатъий риоя этиш учун барча манфаатдор томонларнинг масъулиятига алоҳида эътиборни қаратди. Шу тарихий битимларни қўпоришга қаратилган ва Афғонистонда кучайиб бораётган миллий яраш жараёнига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай ҳаракатлар оғир ва даргумон оқибатларга олиб бориши мумкин.

АҚШ давлат секретари маҳаллий кескинликни юмшатиш жиҳатидан ҳам, шунингдек Совет — Америка мулоқотини тобора ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам Женева аҳдлашувларининг муҳимлигини таъкидлади ҳамда АҚШ маъмуриятининг шу аҳдлашувларини амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалаларга ёндошувини баён этиб берди.

Э. А. Шеварднадзе билан Ж. Шульцнинг музокаралари доирасида СССР билан АҚШ ўртасидаги икки томондама муносабат масалалари хусусида мufассал гаплашилди. Жумладан, ҳозир музокара олиб борилаётган конкрет соҳаларда бир қанча битим ва аҳдномалар тузилиши иккала томоннинг манфаатларига мос келган бўлур эди, деб таъкидланди.

Иккала томон СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабат масалаларининг ҳамма жиҳатлари хусусида бўлиб ўтган интенсив муҳокамалар Москвада олий даражада ўтказиладиган учрашувга самарали ва натижали тайёргарлик кўрилишига кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

## СССР Олий Совети Президиумининг фармони

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўн биринчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг тўққизинчи сессияси 1988 йил 24 май куни Москва шаҳрида чақирилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1988 йил, 22 апрель.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети тўққизинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилганини маълум қилади:

1. Кооперация тўғрисида СССР қонуни лойиҳаси ҳақида.

2. КПСС XXVII съезди қарорлари асосида уй-жой ва маданий-маиший қурилиш программасини бажаришни таъминлаш борасида совет ва хўжалик органларининг иши тўғрисида.

3. СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот.

4. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
*конференция олдидаги ўйлар*

# ВАКОЛАТ МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

## *Энгельс номли колхоз ўн саккиз йилдан бери ўзини ўзи маблағ билан таъминлаб келаяпти*

Қайта қуриш барча соҳаларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришларга йўл очаяпти. Аввалари колхоз раҳбарлари энг оддий масалаларни ҳам юқори ташкилот аралашувисиз, мустақил ҳал эта олишмасди. Эндиликда, айниқса колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездидан сўнг хўжалик раҳбарларига жуда кенг ваколатлар берилди. Ҳар қандай ташаббус, янгиликнинг жорий этилишидан тортиб, муҳим аҳамиятга молик йирик масалаларгача аввало колхозчилар муҳокамасига қўйиладиган бўлди. Бу имконият ҳозирданоқ ишимизда ўз аксини топаяпти.

Ўтган йили пахтачилик учун жуда мураккаб келди. Деярли юз фоиз майдонда чигитни қайта экдик. Аммо одатдагидай обком ёки райком вакили дала бошига келиб ишимизга аралашавермади. Барча ваколат ҳам, масъулият ҳам правление аъзолари зиммасига юклатилди. Табиий офат юз берган куннинг эртасига коммунистлар, тажрибали деҳқонлар иштирокида йиғилиш ўтказиб, шошилинч тадбирлар ишлаб чиқдик.

Хўжалигимиз асосан уруғчиликка ихтисослашгани учун ҳам қайта экиш биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Баҳорда озгина вақтдан ютқазсак, кузда аттанг деб қолишимиз мумкин. Чунки уруғлик пахта табиий равишда пишиб етилиши зарур.

Илғор бригада бошлиқлари, мутахассислар тажрибаларига асосланиб, якдил хулосага келдик. Минг гектардан зиёд ер уч кун ичида экиб бўлинди. Албатта, бунда хўжалигимизнинг қудратли эканлиги ҳам катта роль ўйнади.

Колхозимиз иқтисодий томони ҳақида гап кетганда унинг хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаган дастлабки йилларини эслашга тўғри келади. Ўзим шу қишлоқда туғилиб ўсганим туфайли у даврларни жуда яхши эслайман. 1968 йили колхозимизнинг янги раиси Мирзааҳмад ака Деҳқонов умумий йиғилишда сўз олиб, шундай деганди: «Қачонгача давлатдан қарз олиб яшаймиз? Еримиз, техникамиз, ишчи кучимиз етарли бўлса. Кетишга шайлаймиз, бекорчи гапларга қулоқ солмаймиз, ишонсангиз, ўзимиз ҳам ишонмаймиз, ўзимизга ўзимиз ҳам ишонмаймиз, ўзимизга ўзимиз ҳам ишонмаймиз, ўзимизга

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

# ҚЎЙЧИЛИК

**Республикамизнинг қоракўлчилик хўжаликларида қўзилатиш мавсуми якунловчи босқичга кирди. Чўпонлар бу даврни нафодали қилиб «хирмон уйиш палласи» дейишади. Дарҳақиқат, янгидан яратилажак отарларга айни тўл пайтида тамал тошн қўйилади.**

**Лекин қўйчиликни ривожлантириш масалалари биргина насл олиш мавсуми билан чегараланиб қолмайди. Деҳқончиликдаги хатони тузатишга бир йил, чорвачиликдаги хатони ўнглашга ўн йил кетади, деган ибора бежиз айтилмаган. Узоқ муддат мобайнида режали иш юритиш, изчиллик ва муттасил эътибор муваффақиятни ҳал этади, деган маъно бор бу сўзда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети қоракўлчилик, жун ва тивит-мўйна хом ашёси етиштириш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бошқармаси бошлиғи Е. Қ. СУЛАЙМОНОВ билан суҳбатимиз фақат қўзилатиш мавсуми доирасида чекланиб қолмади. Тармоқ олдида турган долзарб вазифалар, истиқбол режалари, муҳим муаммолар ўзаро фикр алмашувда бош мавзуга айланди.**

**— Ёқуб Қўрғонбоевич, газетхонларимизга манзара равшан бўлиши учун даставвал бизга қўйчиликдаги аҳвол ҳақида гапириб берсангиз. Турғунлик йиллари келтирган оқибатлар, эскича ишлашнинг зарари хусусида сўз юритишингизни олдиндан сезиб турибман. Ёки шундай эмасми?**

— Биз нега ўтмиш хатоларини тез-тез тилга олаяпмиз? Албатта, ўзимиз босиб ўтган йўлни қоралаш учун эмас, балки уларни такрорламаслик учун. Сиз умуман қўйчиликдаги аҳвол ҳақида сўраб, гапни бу мавзуга бурдингиз. Мен тармоқдаги мавжуд ҳолат ҳақида гапирсам ҳам ишимиздаги танг ўринларни таъкидлашимга тўғри келади. Умуман қўйчиликдаги муаммоларимизни, дардимизни аниқ қилиб буниси «1984 йилга тегишли», бошқаси «1987 йилга мансуб» деган тамға билан баҳолаб бўлмайди. Улар ўзаро узвий чатишиб кетган.

Эндиликда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш энг аввало интенсив омиллар, маҳсулдорликни ошириш, наслчилик ишини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, емхашак ресурсларидан самарали фойдаланиш, прогрессив технологияларни жорий этиш, қўйларни сақлаш шароитларини яхшилаш ҳисобига таъминлаш асосий вазифа қилиб олинган.

Очиғини айтиш керак, айни пайтда жамоат чорвачилигини ривожлантиришда жиддий нуқсонлар бор, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш резервлари тўла ишга солинмаяпти.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларига биноан ишлаб чиқилган программадаги мўлжалдан анча ортда қолаяпмиз. Ваҳоланки, бу программа КПСС XXVII съезди томонидан қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати қоракўлчиликни ҳар томонлама ривожлантириш хусусида катта ғамхўрлик кўрсатаётганликларига қарамай, тармоқ ҳануз кам самарали ва паст рентабеллигича қолмоқда. Жорий беш йилликда қўйларни кўпайтириш, жун етиштириш ва топшириш планлари муттасил бажарилмаяпти, подалар структурасининг норматив кўрсаткичлари бузилмоқда, гўшт, жун маҳсулдорлиги пасаймоқда, қоракўл тери сифати кескин яхшиланмаяпти, маҳсулот етиштиришга сарфланадиган моддий ва меҳнат харажатлари ҳамда таннарх тинмай ошиб бораяпти. Технология ва ишлаб чиқариш интизоми мунтазам бузилаяпти, наслчилик-селекция ишлари етарли даражада эмас. Подаларни тўлдириш сust амалга оширилаяпти. Оқибатда кейинги йилларда жамоат қўйчилигининг рентабеллиги 10 процент тушиб кетдики, бу республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

Республика хўжаликларида кейинги уч йил мобайнида қўй ва эчкилар сони 694,2 минг бошга, жумладан уррочилари 109,1 минг бошга камайди. Бинобарин уларни кўпайтириш плани 97 процентда қолди. Совлиқлар бош сонини ўстириш плани ҳам тўлмади.

Кўпгина хўжаликларда эскича ишлаш давом этмоқда, подалар структураси иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаяпти. 1988 йил 1 январгача подада уррочи моллар салмоғи 57 процентни ташкил этди.

1987 йилда жами 59,6 минг тонна, 1985 йилдагига нисбатан 5,6 минг тонна кам қўй ва эчки гўшти етиштирилди. Қатор хўжаликларда бўрдоқига боқиш қониқарсиз уюштирилаяпти, янги қўйчилик комплекслари давлатга топширилаётган молларнинг ўртача вазнини оширишга етарли таъсир этмаяптилар, натижада айрим жойларда ҳар бош қўйнинг тирик вазни 43 килограммдан ошмаяпти.

Қўйчиликни ривожлантиришдаги жиддий камчиликлардан бири моллар сақловини қониқарсиз ташкил этишдир. Кўпчилик хўжаликларда уларнинг нобуд бўлиши, мажбурий сўйиш камаймаяпти. 1987 йилда 215,8 минг қўй ва эчки ёки уларнинг 2,7 процентга нобуд бўлди, мажбурий сўйилгани 505,6 минг бош ёки 9,4 процентга етди.

**— Албатта, бу рақамлар аҳволнинг ташвишли эканлигидан дарак беради. Лекин сиз билан биз фалон жойда ундай бўлди, пистон жойда бундай бўлди, деб рўй берган ҳолатларни шунчаки қайд этсак мақсадга эришиш қийин. Газетхонларимизни ана шу аҳволнинг туб сабаблари, яъни таҳлили қизиқтиради.**

— Кўпчилик отарларга хос аҳвол хусусида сўз юритаман. Аксарият жойларда қишлов ёмон ташкил этилган, кошарлар йўқ, бригадалар чўпонлар билан тўла таъминланмаган, юқумли, инвазион ва юқумсиз касалликларга қарши кураш сусайтириб юборилган. Ветеринария мутахассислари профилактика ўтказиш, нобудгарчиликни камайтириш бўйича унчамунча иш қилишаяпти, лекин кўпчилик хўжаликларда ветеринария хизмати даражаси талабга жавоб бермайди, оқибатда кўплаб қўйлар дардга чалинаяпти ва юқумсиз касалликлардан нобуд бўлаяпти. Шу муносабат билан озуқа базасини мустаҳкамлаш баробарида бундай касалликларга қарши курашиш хўжаликлар мутахассисларининг ишида олдинги ўринга қўйилади. Қўйчилик совхоз ва колхозларида касалланган молларни бир жойга, яъни даволаш-санитария пунктларига тўплаш кенг қўлланилмоқда. Ташкил этилган бундай пунктлар профилактика ишларининг марказига айланаяпти. Денов Учқудуқ, Томди, Тахтакўпир районларининг ҳамма хўжаликларида даволаш-санитария пунктлари тузилса-да, қўйлар нобудгарчилиги ҳамон юқори. Масалан, 1987 йилда Қоракалпоғистон АССРдаги бундай пунктларга 103,3 минг бош қўй келтирилди, унинг 23,4 минг боши ёки 22,6 процента нобуд бўлди ва 9,6 минги ёхуд 9 процента мажбуран сўйилди. Хоразм областида ана шундай шифохоналарга тушган 7,9 минг қўйнинг 3,9 минги ёки 50 проценти нобуд бўлди. 8,9 проценти мажбуран сўйилди. Айниқса Тошкент ва Сурхондарё областларида аҳвол ташвишли: бу жойларда 24 процент қўй мажбуран сўйилган. Умуман республика бўйича даволаш-санитария пунктларига келтирилган 1 миллион 211,6 минг бош молнинг 127,4 минги ёки 10 проценти нобуд бўлган, 220,3 минг боши ёки 18 проценти мажбуран сўйиб юборилган.

Кейинги йилларда қўйчилик, қоракўлчилик ва эчкичилик анчайин ихтисослашди. Ҳозирги пайтда молларнинг 90 проценти йирик хўжаликларда тўпланди. Республикада 86 та қоракўлчилик хўжалиги, 4 та қўйчилик, 4 та эчкичилик хўжалиги, 11 та бўрдоқичилик комплекси мавжуд. Шулардан 20 таси давлат наслчилик заводлари ва совхозларидир.

**— Ҳозир туб иқтисодий ислоҳот шароитида турибмиз. Шу боисдан тармоқда харажат ва самара қандай эканлиги бизни қизиқтиради.**

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати ихтисослашган хўжаликларни ривожлантиришга, уларга асосий фондлар ажратиш, ишлаб чиқариш, социал-маданий ва маиший объектлар қуриш, йўл солиш, яйловларга сув чиқаришда катта ёрдам кўрсатаяптилар. Бир қарашда қоракўлчиликда йирик капитал маблағлар тегишли самара бериши керак. Қўйчиларимиз аввалги йилларгидагига қараганда дуруствроқ ишладилар. 1987 йилда хўжаликларнинг молиявий аҳволи сезиларли даражада яхшиланди. Агар республика қоракўлчилиги 1986 йилда умуман 32 миллион сўм зарар келтирган бўлса, 1987 йилда 3,8 миллион сўм даромад олинди.

Шу билан бирга зарар келтираётган хўжаликлар сони ҳамон кўплигича қолаяпти. Ихтисослашган 99 та хўжаликдан 42 таси, 19,2 миллион сўм, жумладан Қорақалпоғистон АССРдаги 8 та совхоз 3 миллион 396 минг сўм, Ғаллаорол районидаги Ғафур Ғулом номли совхоз 1 миллион 314 минг сўм зарар кўрди, бу ерда давлатга гўшт топшириш плани 46 процент, жун 83, қўйлар сонини қўлдириш топшириғи 94 процент бажарилди, рангдор қоракўл тери ишлаб чиқариш плани 20,5 процентда, дурагай нави плани 5 процентда, паст турдаги (планга кирмаган) тери плани 14,7 процентда қолди.

Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхози 1987 йилда 1 миллион 58 минг сўм зарарга йўл қўйди, гўшт тайёрлаш плани 72 процент, рангдор тери 13,3 процент, дурагай нави 12,8 процентни ташкил этди.

Хўжаликлар ва РАПОларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари бу борадаги қолоқликка барҳам бериш бўйича астойдил ишлашлари зарур. Ҳар бир хўжалик бўйича ишлаб чиқариш программалари бажарилишини таъминлаш юзасидан изчил тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши керак.

Юқорида айрим хўжаликлар мисолида фермаларда оддий тартиб йўқлиги, зоотехника ва наслчилик ишлари талаб даражасида эмаслиги, ветеринария хизмати ночорлигини таъкидладик. Шулар оқибатида хўжасизликка йўл қўйилаяпти, молларга озуқа бериш, уларни сақлаш, парваришлаш қоидалари бузиляпти.

Бухоро областидаги Свердлов номли давлат наслчилик заводида совлиқлар отари ранг ва турига қараб бўлинмаяпти. Қўчқорлар ҳамма фермаларда сақланмоқда, қоракўл сифати ҳисобга олинмаяпти. Кўпгина отарларда шахсий чорва боқилаяпти, уларнинг баъзилари зоти бетайин. Шунинг учун ҳам ана шу давлат наслчилик заводи 10 процент дурагай қоракўл тери топширдики, бу 1986 йилдагига нисбатан 5 процент кўпдир. Нурота районидаги Ленин номли совхозда қўйлар териси сифатига қараб ихтисослашмаган, фермаларда ҳамма тур ва рангдаги моллар аралаш боқиляпти. Қўчқорларнинг зоти аҳратилмаган, оқибатда жами сурувнинг сифати ҳақида маълумотлар йўқ. Хуллас, бу борада тартиб ўрнатилмас экан, молиявий аҳволни ўнглаш қийин.

**— Селекция-наслчилик ишларида кўпгина камчиликлар бор. Аҳволни тузатиш учун нималар қилинаяпти?**

— Гапингиз тўғри. Бу соҳадаги нуқсонларни бартараф этиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Масалан, Қорақалпоғистон АССР совхозларида селекция-наслчилик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, совлиқлар зотига қараб аҳратилмаган, улар орасида зоти бетайин қўчқорлар қўшиб боқилаяпти, кўпинча эса ёши ўтган совлиқлар қўзилар билан бирга сақланаяпти. Автоном республикада қоракалпоқ сурини кўпайтириш бўйича давлат наслчилик хўжалиги мавжуд, лекин у селекция-наслчилик ишларига мутлақо таъсир кўрсатмаяпти. Бу хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари ўз ишларини қисқа фурсатда қайта қуришлари, республика қоракўлчилик совхозларида селекция-наслчилик ишларини йўлга қўйишлари зарур.

Шу билан бирга аксарият хўжаликларда ихтисослаштириш қоидалари бузилиб, барча турдаги ва рангдаги қоракўл тери ишлаб чиқарилаяпти, бу эса унинг сифатига салбий таъсир этади. Наслчилик ишларини яхшилаш, тармоққа фан-техника ютуқларини жорий этиш мақсадида 1987 йилда Самарқанд шаҳрида қоракўл зотли қўчқорлар сотиш йўлга қўйилган кўрик-кўргазма ташкил этилганди. Ана шу кўргазма натижаларига кўра кўпгина совхозлар, давлат наслчилик заводлари селекция ва наслчиликни яхшилаш бўйича муайян ишларни амалга оширишди.

1987 йилда қоракўлчилик хўжаликларида шу мақсадда биринчи бор қоракўл қўйларни саралаш, совлиқларни класси, тери типи ва рангига кўра шакллантириш амалга оширилди. Чунки ихтисослашган кўпгина хўжаликларда наслчиликни йўлга қўйишга эътибор сусайган, унинг даражаси талабга жавоб бермай қолган, сунъий уруғлантириш технологияси бузилаётган эди.

Ўтган йили ихтисослаштирилган хўжаликлар 800,5 минг дона қоракўл тери етиштиришди, унинг 45,3 проценти қора, 5,7 проценти кулранг, 12,6 проценти сур, 22,3 проценти рангдор ва ола-була, 6 проценти қоракўлча эди. Афсуски, хом ашё сифати анча паст бўлди. Қора терининг биринчи сорти 1986 йилдаги 76 процент ўрнига 74,7 процентни, кулранг 77,7 процент ўрнига 70,4 процентни ташкил этди, сур терининг биринчи сорти эса 10,9 процент кўпайди. Тери сифатининг пасайганлигига асосий сабаб, яна таъкидлаймизки, хўжаликларда наслчилик қониқарсиз аҳволда эканлиги, шунингдек, хом ашёнинг маълум қисми ўлик туғилган ёки нобуд бўлган қўзичоқлардан олинганлигидир.

Республикамизда у ёки бу рангдаги қўйларни кўпайтириш бўйича хўжалик ички ихтисослашуви охирига етказилгани йўқ. Бу эътироз айниқса қора рангдаги қўйларни кўпайтиришга даъват этилган совхозларга тааллуқли. Уларнинг аксариятида қора тери билан бирга кулранг, сур ва рангдор қоракўл ишлаб чиқарилади. Юқорида қайд этганимиздек, республикада 15 та давлат наслчилик заводи, 5 та наслчилик совхози бор. Уларда жами қоракўл қўйларнинг 25 проценти боқилаяпти. Бу керакли миқдорда қўчқор етиштириш, бинобарин наслчилик ишини юксак даражада ташкил этиш учун етарли.

**— Қўйчилик — озиқ-овқат программасининг муҳим бўғинларидан бири. Шу муносабат билан бўрдоқичиликка ихтисослашган коллективларнинг ўрни алоҳида. Шундайми?**

— Жуда тўғри. Қоракўл қўйларни марказлаштирилган ҳолда бўрдоқига боқиш ва қоракўлча етиштириш ниятида катта ишлар бажарилди, 11 та комплекс ташкил этилди. Уларда ҳар йили 450—500 минг бош ёки брак қўйларнинг 65—75 проценти боқилаяпти.

Ана шундай комплекслар ишини янада яхшилашнинг бирламчи шарти уларнинг ўзида озуқа базасини мустаҳкамлашдир. Бу соҳада ишлар ниҳоясига етказилмаган, озуқа етиштириладиган ерларни ўзлаштириш авж олдирилмаган. Комплекслар учун жами 19 минг гектар ер ажратилган бўлиб, шундан атиги 3 минг гектари ўзлаштирилди. Баъзи комплексларнинг директорлари бошқа жойдан озуқа келтиришни афзал деб билмоқдалар ва адашмоқдалар. Ваҳоланки, уларнинг ўзларида «Фрегат» қурилмаси ёрдамида ерларни ўзлаштириш, мўл-кўл ем-хашак етиштириш имконияти бор.

**— Қўйчилик деганда фақат қоракўлчилик тушунилмайди, албатта. Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё областлари, Фарғона водийсидаги хўжаликларда думбали, жайдари, ҳисори ва ҳоказо қўйлар подаси анча-мунча. Илгари бу тармоқ билан «Узкаракульпром» бошқармаси шуғулланарди. Номидан кўриниб турибдики, қоракўлчиликка ихтисослашмаган хўжаликлардаги қўйларга эътибор бермасди. Айтинг-чи, қайта қуриш натижасида сиз раҳбарлик қилаётган бошқарма тасарруфига барча қўй-эчкилар ўтгач аҳвол қанчалик ўзгарди?**

— Республикамизда қоракўл қўйлардан ташқари бошқа зотдаги қўйлар, айрим минтақаларда эса эчкилар салмоғи анчагина. 1988 йил 1 январигача колхоз ва совхозларда қоракўл бўлмаган қўй ва эчкилар 1 миллион 540 минг бош ёки жами қўй-эчкининг 30,2 процентини ташкил этди. Таъкидлаш керакки, бошқа турдаги қўйлар кейинги йилларда ички хўжалик эҳтиёжларига аёвсиз ва асоссиз сўйилаётганлиги туфайли, шунингдек мавжуд имкониятлардан ўта ёмон фойдаланилаётганлиги сабабли бундай ботдаги моллар сони кўпаймаяпти. Бунга чек қўйиш мақсадида ички эҳтиёжлар сарфини кескин қисқартириш керак. Думбали қўйлар, зотли эчкилар наслини яхшиламоқчи эканмиз, аввало сунъий қочиришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Ваҳоланки, Денов ва Шўрчи районлари колхозларида қўйлар ҳамон аралаш ҳолда боқиляпти. Денов районидаги Собир Раҳимов номли совхозда маҳаллий зотли эчкилар подадан тўла ажратиб олинган эмас.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, қолаверса шахсан биз муҳим тармоққа эътиборсиз қараётганимиз туфайли рўй бераяпти. Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё областлари колхоз ва совхозларида гўшт, гўшт-жун йўналишидаги ҳар бош қўйдан олинаётган гўшт 12—15 килограммдан ошмаётганлигини фақат шундай изоҳлаш мумкин.

Биз бу жайдари қўйларни боқиш масаласига муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз, селекция-наслчилик ишларини яхшилашимиз, сунъий қочиришни йўлга қўйишимиз, кўчқорларни танлаш ва қочириш мавсумига тайёрлашга алоҳида аҳамият беришимиз керак.

**— Агар ушбу суҳбатимизда озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳақида гаплашмасак мавзу чала қолган бўларди. Шу ҳақдаги фикрингизни билмоқчи эдим.**

— Ҳозиргача тармоқнинг озуқа базаси жиддий муаммо бўлиб келди ва шундай бўлиб турибди.

Сир эмаски, қоракўлчилик тақдири табиий яйловларга ва об-ҳаво шароитларига деярли боғлиқ. Қўй-эчкилар туёғи кўпаймаётганлиги, маҳсулдорлиги ошмаётганлигининг асосий сабабларидан бири табиий озуқа базаси барқарор эмаслигидир. Майдонлар маҳсулдорлиги ноқулай экологик режим туфайли ўртача ҳисобда 45—50 процентдан ошмаяпти, айрим жойларда эса бундан ҳам паст.

Яйловдан фойдаланишнинг ҳозирги амалиёти, кейинги 20 йилда вужудга келган аҳвол хўжалик юритишнинг илмий асосланган нормаларига мос келмайди. Ҳа, бу соҳада мавсумийлик бузилмоқда. Бутоқ, ярим бутоқ ўсимликлар ҳамда гиёҳлар ўтин учун ва бошқа мақсадларда чопиб ташланаяпти. Ҳозир паймол бўлган яйловлар майдони 20—25 процентни ташкил этади. Бундай манзарани даҳшатли деб аташ мумкин ва у яйлов хўжалигининг гариблашувига, ич-ичидан зил кетишига олиб келади.

Шу муносабат билан яйловлар ҳолатини яхшилаш, тамирлаш, муҳофаза этиш, маҳсулдорлигини ошириш бўйича кескин чораларни сира кечиктирмай кўриш зарур. Хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари куч-ғайрати яйлов бойлигини онгли равишда кўпайтиришга, сақлашга, тўғри сарфлашга қаратилмоғи лозим.

Республика яйлов хўжалигини интенсивлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилар: сув билан муносиб тарзда таъминлаш ва яйлов алмашуви тартибига риоя қилган ҳолда улардан оқилона фойдаланиш, сермаҳсул озуқа майдонлари, муҳофаза этувчи дарахтзорлар яратиш асосида умумий ҳолатни яхшилаш, яйлов-қоракўл комплекслари қуриш, артезиан суғориш ва табиий суғорма зоналарда озуқа етиштиришни ташкил этиш.

Бизнинг яйловларимизда 9,5 миллион, жумладан қоракўлчилик минтақасида 6,9 миллион қўй боқилмоқда. Бошқача айтганда, умумий майдон торлик қилиб қолаяпти.

Ўсимликлар қоплами ва яйловлар маҳсулдорлигини камайтиришга йўл қўймаслик учун бир қанча ташкилий-хўжалик тадбирларини амалга ошириш зарур. Ҳозирча кўп жойларда сув таъминоти оғир муаммо бўлиб турибди. Саҳро-яйлов шароитида хўжаликларни юритишнинг асосий хусусияти барча территорияларда ишончли сув манбаларига эга бўлишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда 20,5 миллион гектар ёки 82 процент яйловга сув чиқарилган. Қўй-қўзилар сувга кам эҳтиёж сезган пайтларда, қисман совуқ кунларда ташиб келтирилган сув билан суғорилмоқда. Яйловларга сув чиқариш йўли билан уларни қишлоқ хўжалиги оборотига кўпроқ киритиш, илмий асосланган яйлов алмашинувини жорий этиш лозим.

Қудуқларнинг кўпчилигига кранлар қўйилмагани оқибатида йиллар давомида атрофни сув босиб ётаверади, сув сатҳи эса пасаяди.

Яйловдан оқилона фойдаланишни яйлов алмашинуви асосида ҳамма жойда тўласинча ўзлаштириш унда ўсадиган озуқалардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Яйловлар маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим йўналиши, катта резерви серунум озуқа далаларини вужудга келтиришдан иборат.

Республика қўйчилиги учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш мақсадида 60-йиллардан бошлаб яйловларда изен, қийровуқ, чоғон, черпес, қора саксовул ва шу каби бошқа қимматли ўсимликларни экиш жорий этила бошланганди. Ўтган вақт ичида шу йўл билан 600 минг гектардан зиёд каммаҳсул саҳро ҳолати яхшиланди. Аммо истиқболли бу усул кейинги йилларда қанот ёймади, чунки уруғлик етишмади, қоракўлчилик хўжаликлари эса иқтисодий камқувват бўлганликлари сабабли яйловни яхшилашга қурблари етмади.

Шу беш йилликда 300 минг гектар яйловда муҳофаза этувчи кўчатлар яратилади. Биз яйлов-қоракўлчилик комплексларини вужудга келтиришни давом эттиришимиз керак. Ҳар бир комплекс 20—30 минг гектар майдонда 12—16 минг қўй-эчки ҳисобига ташкил этилиши лозим. Комплекслар маданийлашган, атрофи ўралган яйловлар, суғориш иншоотлари, иморатлар, озуқа цехи, механизациялаштирилган чўмилтириш қурилмаси, жун қирқиш агрегати киради. Унинг таркибида ҳар бири 3—4 минг қўйга эга бўлган 4—5 та йирик қўйчилик бригадаси ишлайди. Сурувни тўйимли емиш билан барқарор таъминлаш учун суғориладиган ерларда озуқакорлик бригадаси ташкил этилади. Донадор озуқани қайта ишлайдиган ихтисослаштирилган совхоз-заводда емиш етиштириш марказлаштирилади.

**— Маълумки, қўзилатиш тугалланиши ҳамоно жун қирқими бошланади. Бунда нималарга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади?**

— Бу мавсум аслида меҳнат байрами, яйловда барака кўриги бўлмоғи зарур. Афсус, ана шу таомил бузилмоқда. Кўпгина жойларда жун қирқиш муддатлари асоссиз кечиктирилаяпти. Хом ашё сифатсиз хилланаяпти ва тойланаяпти. Фабрикага топширилган бундай жунларнинг ифлослиги аниқланаяпти. Баҳористондаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводида етиштирилган 1.635 килограмм, Сурхондарёдаги Гагарин номли наслчилик заводидан 3.068 килограмм, Конимех районидаги «Конимех» наслчилик заводидан 1.400 килограмм, Фориш районидаги «Қизилқум» совхозидан келтирилган 840 килограмм жун ичидан кўп ифлос чиққанки, бу ҳол соф тола олиш процентига салбий таъсир қилади ва заларни кўпайтиради.

Қўйларга ранги ўчмайдиган «Тавро» типли бўёқ билан белги қўйиш жун етиштиришдаги асосий камчиликлардан биридир. Чунки бунинг натижасида фабрикалар кўплаб жарима солишаяпти. Масалан, «Конимех» давлат наслчилик заводи 15 минг сўм, «Қизилқум» совхози 15,6 минг сўмни чўнтагидан тўлади. Ахир бундан кимга фойда-ю кимга зарар?!

Ўтган йилги хатоларни такрорламаслик учун ҳамма совхозларда қўй ва эчкилар жунини марказлаштирилган ҳолда қирқиш, жунни хиллаш ва тойлаш, барча пунктларини тажрибали қирқимчилар билан таъминлаш, уларга етарли миқдорда агрегатлар, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш зарур. Қирқимчиларга қулай маданий-маиший шарт-шароит яратиш, коржома, озиқ-овқат билан таъминлаш, медицина хизматини яхшилаш керак.

Биз қирқимни уюшқоқлик билан, аъло даражада ўтказишимиз, хом ашёнинг ҳаммасини сифатлилигича саноатимизга етказиб беришимиз шарт. Баҳорги мавсум ҳисобига ярим йиллик планини бажариш ёки йиллик планни камида 65 процент уддалашимиз лозим.

**— Тармоқ ишини ривожлантиришга олимларимиз қандай ҳисса қўшаяптилар?**

— Республикамизда Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти бор, бу дарғоҳ тармоқни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатиши талаб этилади. Афсуски у ишлаб чиқаришдан ажралган, хўжаликлар фаолиятига таъсир кўрсатмайдиган мавзуларни тақдим этмоқда. 1980 йилдан бошлаб институт «Улус» типидаги қовурғасимон терили қоракўл бердиган қўйларни яратиш, оқ рангли қўйларни кенг тарқатишни режалаштириб келади. Лекин ҳануэгача бу хилдаги қўйлар йўқ ҳисоби. 1980 йилдан буён Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд областларида сермаҳсул яйловлар массивларини яратиш мавзуи планлаштириб келинаётган бўлса-да, бу иш ҳам рўёбга чиқмаяпти.

Шу билан бирга сернасл совлиқлардан, ўралган яйловлардан фойдаланиш, ёввойи ўтларнинг янги навларини ўстиришни жорий этиш каби долзарб масалалар фақат институтга қарашли «Қарнаб» тажриба хўжалигида ечилмоқда. Нега энди бир хўжалик билан чегараланиб қолишимиз керак?

Агар институт шу зайлда иш олиб борса, ҳозирги шароитда муҳим аҳамият касб этувчи муаммолар саналмиш наслнинг табиий кўпайтириш, подани яхшилаш, тўлдириш, истиқболли усул — яйловларни ўрашни жорий этишдаги ноҳуш аҳволни тузата олмаймиз.

Биз институтда яратилаётган ибратли янгиликлар республикамизнинг барча қоракўлчилик совхозларида оммалашувини кутамиз.

Республикамиз қўйчивонлари олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Уларни амалга ошириш агросаноат комплексининг барча бўғинларидан юқори самарали ишлашни талаб қилади. Ўн иккинчи, беш йилликнинг учинчи йили топшириқлари тиғиз, аммо амалга оширса бўлади. Уларни сўзсиз бажарибгина қолмасдан, айни пайтда беш йилликнинг кейинги йилларида маҳсулот етиштиришни барқарор кўпайтириш учун пухта замин яратиш керак. Ҳозир совхозларнинг фермаларида кўзаларни режаларни амалга оширишга пойдевор қўйилаяпти.

**Суҳбатни «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири Ш. ЖАББОРОВ ёзиб олди.**

---

**Бу знёратгоҳга кириб борилаётган майдонча эрта тонгдан гавжум эди. Тошкент давлат консерваториясининг симфоник оркестри меҳмонларни ёқимли куйлар билан қаршиларди.**

**Оркестр Владимир Ильич севган асарларни ижро этди.**

**В. И. Ленин туғилган кунининг 118 йиллиги нишонланган 22 апрелда музей одатдаги иш тартибини бузишга мажбур бўлиб, меҳмонларни бир соат илгари қабул қила бошлади. Тошкент октябрятлари Ильич ҳузурига келиб ёш ленинчилар — пионерлар сафини тўлдиришди.**

**Мана, болалар ва қизлар иккинчи қаватга — экспонатларни томоша қилишга ошиқмоқдалар. Ҳаммамизга таниш «Донм тайёр!» деган хитоб баралла янграйди. Булар — Куйбишев районидаги Успенский номли мактабнинг 3-синф ўқувчилари. Кечаги оқ, тябрятлар бугун пионер бўлишди. Ҳаммасида қордек оппоқ кўйлак, бўйнида қизил галстук. Кичкинтойларнинг қувноқ ва бахтиёр чеҳраларига тикилган киши беихтиёр ўз ҳаётидаги бир умрга унутилмас дақиқаларни — бўйинга илк бор қизил галстук боғланган, яхши ўқиш ва ҳар соҳада намуна кўрсатишга қасамёд қилинган пайтни эслаб кетади.**

**Болалар музей экспонатларини бағоят қизиқиш билан томоша қилишарди. Айниқса Ильичнинг Кремлдаги кабинети, хатлар, асарлар, фотосуратлар уларга жуда маъқул бўлаётганини пайқаб олиш қийин эмасди.**

**Соат 14 да конференция очилди. Уни музей коллективи ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институти раҳбарлари ташкил этган эди. Лектор Г. Эргашхўжаева «Ленин ғоялари яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» деган мавзуда доклад қилди. Тошкент областидаги 25-махсус ҳунар-техника билим юрти директори В. Дю, Андижон шаҳридаги 4-махсус ҳунар-техника билим юрти директори ўринбосари Р. Қодирова талабалар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг шакл ва усуллари ҳақида фикр юритдилар. Бу ишларга В. И. Ленин васиятлари асос қилиб олинганини таъкидладилар. Конференция ниҳоясида революция ҳақидаги фильмлар намойиш этилди.**

**Бундай учрашувлар музейда тез-тез уюштирибтурилади. Улар ўсиб келаётган авлодни тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Масалан, 21 январда музейда «Ленин хотираси дарси» мавзуида конференция ўтказилганди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида уюштирилган учрашув эса «Ленин — доҳий, устоз, инсон» деб номланди.**

**22 апрель куни музейни 10 минг киши знёрат қилди. Жумладан Венгрия, Туркия, Ливан делегациялари ҳам келиб кўрдилар. Ер юзининг ҳамма бурчакларидан Ленин ҳузурига келиб туришибди. Вестибюлга ўрнатилган доҳий тибюлга ўрнатилган доҳий ҳайкали пойида ҳамиша жонли гулларни кўриш мумкин.**

Ф. ТУРНИЁЗОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

# ДОҲИЙГА ЧЕКСИЗ МУҲАББАТ РАМЗИ

## В. И. ЛЕНИН МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ШУ КУНЛАРДА

---

## БОШҚАРУВ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

«Ленин йўли» совхозида бошқарув аппаратини 35 кишига қисқартириб, битта янги лавозим — иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари лавозимини тасдиқлашди. Бу лавозимга Жиззах даштида деҳқончилик қилиш хусусиятларини яхши билувчи ёш иқтисодчи Сайдулла Абдураззоқов тайинланди.

— Илгарилари биз кўр-кўрона иш тутиб келган эканмиз, — дейди совхоз директори Ўрозбек Эргашев. — Эндиликда меҳнатнинг пудрат формаларидан фойдаланиш муносабати билан пахтачиликда рентабелликни оширишнинг қўшимча резервларини қидириб топишга тўғри келди. Ўтган йили рентабеллик 27 процентни ташкил қилди ва биз бир ярим миллион сўмдан кўпроқ фойда олдик. Лекин бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ҳаммини кўпайтириш ҳамда ходимларимизни учун уй-жой ва маиший шароитларни яхшилаш учун етарли эмас. Бу эса ҳозирги вақтда энг долзарб масаладир. Посёлкадаги 137 та уйда 332 оила истиқомат қилмоқда.

(ЎзТАГ).

# Ҳаёл файзи

Дам олиш саҳифаси

## X Тошкент Халқаро кино фестивали олдидан

# МУҚАДДИМА

Май ойининг сўнгги ҳафтасида Ўзбекистон пойтахти Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг X Тошкент Халқаро кино фестивали қатнашчилари ҳамда меҳмонларини самимий кутиб олади. Кино санъатининг бу йилги байрами ўзига хос юбилейдек нишонланади. Чунки биринчи фестиваль ўтганига йигирма йил бўлди.

1986 йилнинг 21 октябрь куни Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари 1 Халқаро кинофестивалининг байроғи кўтарилган эди. Бунга қадар Шарқда кинематографчиларнинг анжуманлари гоҳ Индонезияда, гоҳ Суриядa, гоҳ Мисрда ўтиб, сайёр характерга эга бўлган. Ниҳоят, Тошкент фестивали анъанавий тус олди. Осиё ва Африка мамлакатларининг кино арбоблари ҳар икки йилда бир марта бу ерда тўпланадиган бўлишди.

Биринчи фестиваль кунидан бошлабоқ дўстлик шаҳрининг дарвозалари ҳар йили ўнлаб ва юзлаб фильмлар яратадиган улкан мамлакатлар қатори миллий кинематографияни эндигина бунёд этаётган халқлар учун ҳам очиқ деб эълон қилинди. Халқаро киноанжуманнинг «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори унинг чинакам моҳиятини ифодалаб туради.

1974 йилда IV фестиваль ўтаётган вақтда Лотин Америкасидаги мамлакатларнинг кинематографияси анжуманда илк бор иштирок этди. Шундан кейин у расмий равишда, «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент Халқаро кинофестивали» деб аталадиган бўлди.

Бундан йигирма йил муқаддам 1 Тошкент халқаро кинофестивалида қатнашиш учун 49 мамлакат розилик берди, Ўзбекистон пойтахтига 500 дан зиёд чет эллик қатнашчилар ва меҳмонлар ташриф буюришди. Мана энди таққослаб кўрайлик. Орадан ўн саккиз йил ўтгач, 1986 йилда IX Тошкент халқаро кинофестивалида деярли юзта мамлакат киночилари, халқаро ҳамда миллий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Расмий намойиш программасига ўттизта бадиий фильм киритилди. Шунга қарамай уч қитъа кино арбоблари юздан зиёд бадиий ва ҳужжатли фильмларни Тошкентга олиб келишди.

Биринчи фестивалда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Сибирь ва Узоқ Шарқ студияларининг вакиллари совет кино санъатини намойиш қилдилар. «Ўзбекфильм» студияси эса Комил Ерматовнинг «Инқилоб чавандозлари» тарихий революцион картинасини фестиваль доирасида кўрсатди.

Ўшанда «илк бор», «биринчи» сўзлари қайта-қайта такрорланган эди. Бу сифатлар айниқса ривожланаётган мамлакатлар кино санъати ҳақида гапирилганда такрор-такрор тилга олинган эди. Ўша вақтда матбуотда эълон қилинган Африка кинематографияси тўғрисидаги мана бу ахборотларга бир назар ташлайлик.

Фестивалда Сенегал режиссёри Сембен Усмон Африка қитъасида суратга олган биринчи рангли, тўла метражли картинаси — «Мандат» фильми илк бор намойиш қилинди. Бу унинг романида олға сурилган ғояларнинг кинодаги акси эди. Асарда бош қаҳрамон ўз ҳаёт йўлини танлаши керак: шафқатсизлик ва амалдорларнинг бюрократизми билан келишишми ёки уларга қарши курашишми? Фильм ана шу мақсадни ўз олдига қўйган.

Шундан олти йил илгари С. Усмон М. Горький номли студияда совет режиссёри Марк Донскойдан таълим олди. Кейинчалик жафокаш Африканинг атоқли кинорежиссёри, Сенегал кинематографиясининг илк юлдузи С. Усмон Москвада ўтказган кунларини қуйидагича эслайди: «Мен Донскойнинг Максим Горький асарлари бўйича суратга олган фильмларини кўздан кечирар эканман, агар кинони ўрганадиган бўлсам, албатта ундан сабоқ олишим кераклигини тушундим. Марк Донской — бу менинг дорилфунунимдир».

Сембен Усмон V Тошкент Халқаро кино фестивалининг меҳмони бўлди. Анжуманга ўзининг «Седдо» фильмини олиб келди. Картинадаги ҳаракатлар даври узоқ ўтмиш бўлиб, унинг асосий моҳияти эса тўласинча ҳозирги замонга қаратилган эди.

Сенегал кинематографчилари Тошкент кино анжуманининг муттасил қатнашчиларидир. Бу сафар ҳам улар ўзларининг янги, ажойиб лентaлари билан X кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини хушнуд этишса, ажаб эмас.

Сомалидаги биринчи бадиий фильм «Шаҳар ва қишлоқ»нинг яратувчиси Ҳожимуҳаммад Жумали ўз картинасини илк бор Тошкентда кўрсатди. Бу унинг хориждаги биринчи учрашуви эди. Фильмда шаҳар ва қишлоқ ҳаёти икки ёшнинг — армияга кўнгилли бўлиб кирган чўпон ва унинг ўз юртида қолган маҳбубаси севгиси фонида кўрсатилади. Сомалида бу фильм жуда катта муваффақият билан намойиш қилинган. Картина ижодкорининг мусоҳаба вақтида айтган сўзлари шундан далолат бериб турибди: «Ҳамюртларимни тушуниш мумкин. Ахир, улар ўзлари ҳамда ўз мамлакатларини бадиий фильмда илк бор кўрдилар-да».

Машҳур Миср кино актрисаси, «Жамила» картинаси учун I Москва Халқаро кинофестивали совриндори Магда Кемай Тошкентга келиш олдидан ўз картинасини суратга олиб бўлди. Бу фильмда у нафақат артистка, балки постановкачи-режиссёр сифатида ҳам илк бор қатнашди. Газеталар уни «Африка қитъасидаги биринчи режиссёр аёл» деб таъкидладилар.

1968 йилда жафокаш қитъа харитасида 30 га яқин мамлакат бўлиб, улардан аксарияти I Тошкент кинофестивалидан етти-саккиз йил муқаддам мустақилликка эришган, миллий киносанъатини ривожлантириш имкониятига эндигина эга бўлган эди. Африкадан келадиган вакиллар, расмий намойиш қилишга тақдим этилган картиналар сони йил сайин ортиб борди. IX кинофестивалда Африка 23 та бадиий ва ҳужжатли лентaларни намойиш қилди...

Тошкент Халқаро кинофестивали очилишидан бир неча йил муқаддам жаҳон кино санъатининг машҳур тарихчиси Жорж Садуль шундай деб ёзган эди: «Африка киноси дунёдаги энг ёш кинодир. У жуда мураккаб шароитларда ўзининг илк қадамларини ташламоқда. Лекин шубҳасиз, айта оламизки, XX асрнинг сўнгги йилларида Африканинг теран, миллий, истеъдодли асарлари майдонга чиқиши мумкин».

Тарихчи тилга олган ўша давр дастлабки Тошкент кинофестивали ўтган йилларга тўғри келади. Бинобарин, унинг каромати ҳақиқат бўлиб чиқди.

Шу кунларда уч қитъа киночилари қатори республикамиз пойтахти ҳам бу улкан анжуманга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Тошкентликлар Халқаро фестивалнинг кўнгилдагидек ўтиши учун қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар.

**А. ТИТЕНСКИЙ,**
**СССР Журналистлар союзининг аъзоси.**

Нукус шаҳридаги «Каракалпакирсовхозстрой»га қарашли маданият уйида 15 тадан ортиқ турли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

1985 йилда музика билим юртини битириб келган Омоннисо Мамбетсапаев бу ерда вокаль-чолғу ансамблини ташкил қилган. Мазкур коллектив автоном республикада ўтказилган қатор конкурслар лауреати.

Бекберган Нурумбетов бошқараётган рассомлик тўгарагида эса ишчилар, мактаб ўқувчиларн тасвирий санъат сирларини ўрганишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Мўйқалам ихлосмандлари Б. Нурумбетов раҳбарлигида машғулот ўтказишаяпти. 2. А. С. Пушкин номли мактабнинг 9-синф ўқувчиси Олмагул Исмоилова ҳазил рақсни ижро этмоқда.

Р. СОДИҚЗОДА фотолари.

## КУНЛАРДАН БИР КУН

### МУШТАРИЙ МИННАТДОР БЎЛДИ, ЛЕКИН...

Голландияда чиқадиган «Трау» газетасининг хабар беришича, Янги йил кечаси навбатчилик қилган Ватикан хизматчиси бошлиқларидан ҳайфсан олди. Ган шундаки, у ўзига қўнғироқ қилган муштарийлардан бирига (Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларида истиқомат этувчи католиклар бу телефон бўйича кечаю кундуз гаплашишлари мумкин) шахмат ўйнашни таклиф этди. Муштарий эса ўз навбатида буни бажонидил қабул қилди ва хизматчига катта миннатдорчилик билдирди.

### АКТЁР ВА ШАХМАТЧИ ДЎСТЛИГИ

Оламга донғи кетган киноактёр ва режиссёр Чарли Чаплин ўша даврнинг ноёб қобилият эгаси Сэмюэль Решевскийга сеансда ўйнаган партиясини ютқазиб қўйди. Чаплин шундан кейин бутун умр бўйи америкалик гроссмейстернинг ашаддий мухлиси бўлиб қолди. У шахматчига ўзининг ҳар бир янги сценарийсини дастхат ёзиб, самимий истаклар билдириб, мунтазам юбориб турди. Америкалик шахмат ветерани эса: «Самимий тилаклари учун Чаплиндан ниҳоятда миннатдорман. Лекин бу истаклар қисман амалга ошганидан афсусланаман», — дерди.

### ИРОДА СИНОВИ

Швед епископи Олаус Магнус ўзининг «Шимолий халқлар тарихи» китобида (1555) шундай деб ёзади: «Маърифатпарвар готлар ва шведлар ўртасида шундай одат мавжуд эди. Ота қизини турмушга чиқаришдан аввал унинг қўлини сўраган куёв билан бир неча партия ўйнарди. Негаки, бошқа ўйинларда эмас, айни шахмат баҳсларида инсон феъл-атвори: сержаҳллиги, ўзини ўзи қўлга ола билиши, димоғдорлиги, эринчоқлиги, меҳнатсеварлиги, фикрлаш қобилияти, топқирлиги маълум бўлади».

### УЗР СЎРАДИ

Араб шахматчиси Саид Бен Жубейр (655—714) шахмат тахтасига қарамай ўйнашнинг устасигина эмас, балки олийжаноб киши ҳам эди. Ўзини ҳақам қилиб сайлашганида у «мавжуд қонунлар адолатсиз бўлгани учун» бу ишдан бош тортди. Табиийки, унинг ҳаёти фожиали тугади. Халқ орасида Жубейр шу қадар машҳур эдики, ҳукмни ижро этгандан сўнг жаллод бунинг учун одамлардан кечирим сўради. У йиғилганларга бундай деди: «Агар худо ўзим қатл этган ҳар бир одам учун мени бир ўлдирса, Жубейр учун жонимни камида етмиш марта олади».

### НОЖУЯ ИШЛАРГА ВАҚТ ҚОЛМАЙДИ

Италиянинг XVI аср охири — XVII аср бошидаги кучли мастерларидан бири Пьетро Каррера «Шахмат ўйини» деган китобида (1627) тахта устидаги баҳс лардан ҳайратланганини қуйидагича ифодалайди. «Шахмат ўйнаган кишида, — дер ди Каррера руҳонийларга (у поп бўлган), — енгил табиатли аёлларни зиёрат қилишга вақт қолмайди».

**СССР спорт мастерлигига номзод Анвар ИНОҚОВ тайёрлаган.**

ҚОБИЛИЯТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ-ЧИ!



Тўрт юришда мат.



Оқлар юришни бошлайди ва ютади.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

## ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ!

# ШИФОБАХШ ТОМЧИЛАР

### Шингил ҳикоя

Улуғбекни ҳамма «кичик боғбон» дейди. Чунки у ёшлигидан бобосининг ёнида юриб кўп нарсаларни ўрганиб олган.

Бобоси — колхознинг катта боғбони. Анча йиллардан бери ишлашига қарамай боғдорчиликка оид китобларни кўп ўқийди. Билмаганларини бошқалардан сўраб олади.

«Бобомдан анча нарсаларни билиб олдим», — деб юрган Улуғбекнинг ўрганмаганлари кўп экан. Ток зангида баҳор чоғи юз берадиган ҳолатларни у ҳали кўрмаган эди.

Бир куни эрта билан бетини ювгани ҳовлига чиқса, ишкомдаги токдан «чак-чак» этиб сув томаяпти. У юзини ювиб артингач, бобосининг олдига келди:

— Қаранг, токлар йиғлаяпти.

Бобоси кулди.

— Ток йиғламайди. Занг, новдаларга сув югурган. Шулардан томаяпти. Ҳар ер-ҳар ерга идиш қўйгин. Токнинг суви дори бўлади.

Улуғбек томчи тушаётган жойларга коса, пиёла, пақирча қўйиб, бобосидан сўради:

— Қизлар токнинг сувига бошини ювса, сочларини ўстиради. Яна у тери касалликларига даво бўлади.

Улуғбек бобосига мамнун қараб қўйди.

**Олтмиш УСАРОВ.**



# КРОССВОРД

**ЭНИГА: 1. Машҳур рус совет ҳайкалтароши. 4. Дўстлик ва нон шаҳри. 7. Интилиш, майл, хоҳиш. 8. Транспорт тури. 9. Сайроқи қуш. 12. Инглиз адибаси. 14. Жисмоний шикаст. 15. Сифатларда орттирма даража ҳосил қилувчи сўз. 16. Дабдабали, ҳашаматли. 17. Зеҳни ўткир, сезгир. 23. Ўкинч. 24. Қурилиш материали. 25. Бирор механизмни бураб юргизиш учун ишлатиладиган металл асбоб. 26. Шодиёна. 27. Миллат.**

**БЎЙИГА: 1. Ўзбек совет шоири. 2. Рўзғор асбоби. 3. Сарҳад. 4. Эски типдаги уйларда ёруғлик тушиб туриши учун қолдирилган тешик. 5. Кема матчасига ўрнатилган чодир. 6. Минбар. 10. Рад этиш. 11. Корхоналарда пул бериш, қабул қилиш билан шуғулланувчи бўлим. 13. Ақл-идрок. 16. Хосият, фазилат. 18. Езнинг иссиқ кунлари. 19. Турли қипчоқ қабилаларининг чатишувидан юзага келган, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида яшовчи ўзбек элати. 20. Хотин-қизларнинг ойлик журнали. 21. Нозанин аёл. 22. Ўзаро, сўз ёки имо-ишора орқали ифодаланган табрик.**

Тузувчи: Фаёз ҒАФУРОВ.

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

### УЧУВЧИ БОЛА

Яқинда мўъжазгина икки моторли самолёт Санта-Ана (Калифорния штати) аэродромидан ҳавога кўтарилди. Унинг учувчиси америкалик Тони Эльженжининг қўли бошқарув дастагига бемалол ета олиши учун ўтирғич устига махсус ёстиқ қўйишди. Гап шундаки, ҳозир тўққиз ёшга кирган бу бола Шимолий Америка қуруқлигини шарқдан ғарбгача ва яна орқага ўн кун ичида босиб ўтган энг ёш учувчи сифатида рекорд қўймоқчи.

Тони самолётни етти яшарлигидан ҳайдай бошлаган.

### КЕМА КАПИТАНИ — АЁЛ

Япония денгиз хавфсизлиги агентлиги ташкил этилганидан буён ўтган қирқ йил мобайнида биринчи марта патруль кеманинг капитани қилиб хотин кишини тайинлади. У сув сиғими 100 тонна бўлган «Матцунами» кемасини ўнта аъзоси билан қабул қилиб олди.

Токио кўрфазида табиий офатга учраган кишиларни излаш ва уларга ёрдам бериш капитан бажарадиган вазифалар жумласига киради. У нафақат ёш аёл, балки агентликнинг 347 капитани орасида энг навқирони ҳамдир.

**Қурбон ЧЎЛИЕВ,**
**туркман шоири.**

## БАЛИҚЧИ ЎРГИМЧАК

Балиқчидек ўргимчак
Тўрини ташлаб,
Қуёшда отиб ҳуррак,
Ётар ёнбошлаб.
Изласангиз дунёни —
Шунчалар кенгки,
Лекин бардошда унинг
Топилмас тенги.
Балиқчидан бир фарқи,
У ҳам бўлса шу:
Дарёдан лаққа балиқ
Ушламайди у.
Ётар кутиб,
У томон —
Ўлжа келади.
Қанотларин силкитиб
Учиб келади.
Қўққисдан тўрин чоки
Кетса йиртилиб,
Ўргимчак шу заҳоти
Қўяди тикиб.
Тутиб қанчадан-қанча
Қўнғиз, чивинни,
Тепада севинганча
Бошлар ўйинни.
Ўлжасини оз-оздан
Қўлга туширар.
Сўнг ўзига лаззатли
Шўрва пиширар.

**Қосим НУРБОДОВ,**
**туркман шоири.**

## КАМАЛАК

Камалак,
Камалак!
Телпагинг мисли элак!
Тағин қўрқиб бизлардан
Кетиб қолма бедарак!
Камалак,
Камалак!
Оқ қалпоғинг тўгарак!
Ўзингни қўй, бизларга
Сенинг қалпоғинг керак!

Талъат СОЛИЕВ
таржималари.

# ДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ

### ҚАТРА

Баҳорой сепини ёзди. Чор атроф яшнаб кетганди. Соҳилларни яшил майсалар қоплади. Ариқлар зилол сувга тўлиб оқа бошлади. Дарахт новдалари куртак чиқарди. Қушларнинг ёқимли овозлари юракларга завқ-шавқ берарди. Илиқ ҳаводан баҳраманд бўлган чумолилар ҳам ғимирлаб қолишди. Далалар меҳнат кишилари — одамлар билан лиқ тўлди.

Майсалар — қиш оғир келиб, ҳасратини бировга айтолмаган она ернинг «дард»лари. Куртаклар эса дов-дарахтларнинг яшаш учун бўлган тетапоя ҳаракатлари. Сув — ер юзидаги барча жонзотнинг ҳаёт булоғи. Узоқлардан учиб келаётган қушлар — одамларнинг ушалмаган, бир умрга армон бўлиб қолган орзу-умидлари. Дилни қитиқлайдиган ёқимли шабада — табиатнинг бизга сахий инъоми. Тиришқоқ чумолилар — эзгулиқ элчилари.

Деҳқон қишда куч тўплаган ерни экишга тайёрламоқда. Заминга меҳр, касбга садоқат — деҳқоннинг ғайратшижоатини бир нафас бўлсин сўндирмайди. Миришкорнинг иш режими чекланмаган.

Мана, у шомга яқин ишдан қайтмоқда. Елкасида оғир кетмон, лекин руҳи тетик. Ариқдаги сувнинг мўлжалдан кўплиги диққатини тортди. Дарҳол ишга киришди. Ўқ ариққа сув уриб кетиши мумкин бўлган жойни тупроқ билан мустаҳкамлаб, устига чим босди. Кейин кўнгли ўрнига тушди. Табиат инъоми — баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб симирди... Ариқдаги сув тўлқинлари деҳқон ҳаракатларини бир нафас кузатиб, ўқариқ томонга ўтолмаслигини сезгандай, йўлида давом этди.

Сенга минг бора таъзим, бободеҳқон!..

**Ҳасанбой РУСТАМОВ.**

## Спорт ахборотн

### ФУТБОЛ

27 апрелда СССР олимпиячилари Болгария терма командаси билан саралаш учрашувини ўтказишади. Шу муносабат билан футболчиларимиз унга тайёргарликни бошлаб юборди лар. Олимпия командаси бош тренери Анатолий Бишовец бўлажак учрашувда қатнашадиган футболчиларни эълон қилди. Улар орасида олий ва биринчи лиганинг йигирма ўйинчиси бор.

Шу куни мамлакатимизнинг биринчи терма командаси ҳам халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказади. Чехословакиялик чипор тўп усталари футболчиларимизнинг рақиблари бўлишади. Шу боис улар йиғинга тўпланиб, машқларни бошлаб юборди лар.

### ШАХМАТ

Брюсселда ўтаётган жаҳон кубогининг биринчи босқич мусобақасида кечиктирилган партиялар ниҳоясига етказилди. Тимман ва Нанн, Соколов ва Тимман ўртасидаги баҳслар қизғин курашлардан сўнг пировардида дуранг бўлди.

Натижада шахматчиларнинг қайси ўринларни банд этгани узил-кесил аён бўлди. 10,5 очко тўплаган собиқ жаҳон чемпиони Карпов биринчи ўринда бораяпти. Мусобақада ғолиб чиқиш учун сўнгги турда швед Андерсон билан дуранг ўйнаса, бас, бошқалар унга ета олмайдилар. Кейинги икки ўринни банд этган Салов билан Нанн ҳисобида тўққиз яримтадан очко бор.

### ЧИМ ХОККЕИ

Спортнинг бу тури бўйича мамлакат биринчилиги бошланадиган кунлар тобора яқинлашаяпти. Олий лига коллективлари ҳозир СССР кубоги мусобақаларини ўтказишмоқда. Куни кеча финалда ўйнайдиган командалар маълум бўлди. Булар мамлакат чемпиони — Борисполнинг «Колос» ва Шяуляйнинг «Таурас» клубларидир.

Афсуски, республикамизнинг икки коллективи — «Андижанка» ва «Политотдел» саралаш учрашувларини яхши ўтказа олмасдан кубок баҳсларидан чиқиб кетишди.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 09711. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 1083. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12